


Ўғирлик қилган ходим қандай жазоланади?



15:00 / 03.12.2020 7901

Ўғирлик гуноҳи кабирадир. Аллоҳ таоло Моида сурасида шундай марҳамат килади:

هَلْ لَّيْلًا نَّمُ الْاَلَكْنَ اَبَسَكَ اَمَبْ اَزَجْ اُمَّهَي دِيْ اُوْعَطَق اَفْ ؕ قَرَّاس لْا وُ قَرَّاس لْا وُ
مَي كَحْ زِي زَعُ ؕ لْا وُ

«Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу Аллоҳдан бездирувчи иқоб ўлароқ, касб қилган нарсаларига яраша жазодир. Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир» (38-оят).

Исломда ўғирлик гуноҳининг оғирлигини англаш учун бу қилмишга яраша бериладиган жазо ҳақида фикр юритиш лозим. Ишониб иш берилганнинг эса ўғирлик қилиши гуноҳи оғирроқдир, чунки унинг бу иши Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам қайд этган мунофиқлик аломатларидан биридир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиққа қуйидагича таъриф берганлар: "Омонатга хиёнат қилади" (Имом Бухорий, Имом Муслим ривоятлари).

Агар ходим ўғирликка қўл урган бўлса, у гуноҳи кабира қилган бўлади. Агар у ўғирланган нарсаларни қайтариб бермаса, чин қалбидан тавба қилмаса, бу дунёда ва охиратда жавоб беради.

Ўғирланган молнинг қийматидан ортиқ миқдорида ходим маошидан ушлаб қолишга шариатимиз рухсат бермайди. Чунки Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай дейди:

مُكَيْلَ عَى دَتْعَا نَمَفُ صَاصِقُ تَامُرُجُلْ اَو مَارْحُلْ اِرْهَشْلَابُ مَارْحُلْ اِرْهَشْلَابُ
عَمَّهَلْ لَانَا اَوْمَلْعَاوَهَلْ لَانَا اَوُقَاتْ اَو مُكَيْلَ عَى دَتْعَا اَمَلْ شَمَبْ هَلْعَا اَوْدَتْعَا ف
نِي قُتْمُلْ

«Ҳаром ойга ҳаром ой. Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга тажовуз қилса, сиз ҳам унга қилган тажовузига ўхшаш тажовуз қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир» (194-оят).

رِيْحَ وَهَلْ مُتْرَبَّصْ نِيْلَوِ هَبْ مُتْبِقُوعُ اَمَلْ شَمَبْ اَوْبِقَاعَ فْ مُتْبِقَاعَ نِ اَو
نِي رَبِّ اَصْلَلْ

Аллоҳ таоло яна дейди: «Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилувчилар учун хайрлидир» (Наҳл сураси, 126-оят).

Уламоларнинг таъкидлашича, кимнинг моли ноҳақ тортиб олинган ёки ўғирланган бўлса, у ўша мол миқдоридан ортиғини олмаслиги лозим. Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ "Ат-Таҳмид" китобида шундай дейди: "Шариат бўйича, жазо зарар миқдорида баробар бўлиши керак".

Ўғирлик содир этган одам ишончни йўқотади. Агар у қилган иши учун тавба килмаса, Қиёмат кунида жавоби бундан-да қаттиқроқ бўлади.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

اَي نَوْلُ وُقَيَّو هِي فِ اَمَمَ نِي قُفْشُمَ نِي مَرْجُلْ اِي رَتَفُ بَاتِ كَلْ اِعْضُ وَو
اَم اَوْدَجَ وَو اَهْ اَصْحَا اَلْ اَرِيْبَكِ اَلْ وَّهَرِيْغِ صُرْدَاغِي اَلْ بَاتِ كَلْ اَدَهَلْ اَم اَنْتَلْ يَو
اَدْحَا كُبْرُ مَلْ طِي اَلْ و اَرْضَا ح اَوْلَمَع

«Ва китоб қўйилди. Бас, жиноятчиларни ундаги нарсадан қўрққан ҳолларида кўрасан. Улар: «Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я», дерлар. Ва қилган амалларини ҳозир ҳолда топдилар. Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас» (Қаҳф сураси, 49-оят);

يَبْرُقُلْ اِيْلُ وَا اُوْتُ وِي نَا اَعَّسَلْ اَو مُكْنَمْلُ صَفْلَا اَوْلُ وَا لَلْ اِي اَلْ و
اَلْ اَوْحُ فُصَيْلُ وَا اُوْفُعَيْلُ وَا لَلْ اَلْ لِي بَسْ يَفْ نِي رِجْ اَهْمَلْ اَو نِي كِ اَسْمَلْ اَو
مِي حُرُّ رُوفَعُ هَلْ لْ اَو مُكَلْ هَلْ لْ اَرْفَعِي نَا نُوْبُ حُتْ

«Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар яқин қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳнинг сизларни мағфират қилишини севмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Нур сураси, 22-оят).

Бу оят Ойиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳақида бир киши турли миш-миш тарқатган ва ўша одамга Абу Бакр розияллоҳу анҳу нафақа бермасликка аҳд қилганидан кейин нозил бўлган.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни тўғри йўлдан адаштирмасин, хусни хулқли бўлишимизда Ўзи мададкор бўлсин.